

Маздак ибн Ҳамдодон (470-529) – маздакийлик таълимотининг асосчиси, маздакийлар ҳаракатининг раҳбари. М. Эрон шоҳи Кубод I (488–531) ҳукмдорлиги даврида зардуштийлик оташгоҳларининг бирида коҳин, кейинчалик Эрон бош коҳини бўлган М. таълимотининг асосида тенглик ғояси ётади. Унинг фикрича, дунёнинг барча бойликлари одамларга тенг тақсимланиши лозим. Буни зўрлик йўли б-н амалга оширишни ёқлаган. Коҳинлар ва амалдорларнинг иқтисодий, сиёсий ҳукмронлиги барбод бўлгандан кейин Кубод I М.б-н алоқани узди. М. зардушт коҳинлари ва зодагонларга қарши деҳқон ва ҳунармандлар қўзғонига раҳбарлик қилди. 529 й. Қўзғолон бостирилгач, М. қатл этилди.

Ўз.М.энц